2013 йил 12 апрель, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 72 (12.383)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кўргазмалар

## ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АНЖОМЛАРИ ВА ДОРИ-ДАРМОНЛАР

***«Ўзэкспомарказ» кўргазмалар залида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ҳафталиги доирасида «Соғлиқни сақлаш — TIHE» ўн саккизинчи Тошкент Халқаро тиббиёт кўргазмаси, «Аптека экспо Марказий Осиё» саккизинчи ҳамда «Stomatology Uzbekistan» тўққизинчи халқаро кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.***

«Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, «Ўзтибтехника» МЧЖ, «Ўзфармсаноат» ДАК: Ўзбекистон Республикаси Стоматологлар уюшмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «ITE Uzbekistan» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмалар экспозициясида Ўзбекистон, Австрия, Бельгия, Венгрия, Германия, Италия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Польша, Куба, Швейцария, Словакия, Украина, Чехия, Буюк Британия, Қозоғистон каби йигирма бир мамлакатнинг 160 дан зиёд компаниялари ўз маҳсулотлари ва стендлари билан иштирок этмоқда.

Тадбирда экспонентлар умумий миқдорининг 58 фоизини кўргазманинг доимий иштирокчилари ташкил қилган бўлса, 42 фоизида илк бор қатнашаётган фирма ва компанияларнинг маҳсулотлари ўрин олган.

Кўргазмада хилма-хил ташхис асбоблари ва аппаратлари, компьютер томографлари, ЭКГ мониторлари, реанимация блоклари ва аппаратлари, ультратовушли визуализация ускуналари намойиш этилмоқда.

Шунингдек, илк маротаба, Бельгия, Италия, Россия миллий гуруҳлари ва улар таркибидаги техника ҳамда тиббий дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда)

***Тошкентда нодавлат нотижорат ташкилотларининг оила институтини мустаҳкамлашга доир долзарб масалаларни ҳал этишдаги ўрнига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

## МУСТАҲКАМ ОИЛА — ФАРОВОН ЖАМИЯТ АСОСИ

Тадбир Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ташкил этилди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Адлия, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ходимлари, ўқитувчилар, тадқиқотчилар, талабалар, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раисининг ўринбосари Н.Миродилова ва бошқалар Ўзбекистонда оила институтини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлардан мақсад ҳам инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир оилада тинчлик ва фаровонликни таъминлашдан иборат. Зеро, оиладаги хотиржамлик ва фаровон ҳаёт мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва равнақини таъминлаш кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг мақоми, эр-хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги, ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги мажбуриятлари, вояга етган фарзандларнинг ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиш масъулияти белгиланган. Бу ва бошқа масалалар Оила кодекси, шунингдек, бир қатор тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар орқали тартибга солинмоқда.

Тадбирда қишлоқ жойларда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, мамлакатимизда демократик ислоҳотлар жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларни тарбиялашда маҳалланинг роли, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели билан боғлиқ ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Конференциянинг асосий мавзуини оила институтини ривожлантириш борасида эришилган ютуқларни холис баҳолаш, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ушбу бунёдкорлик жараёнидаги муносиб ўрни ҳамда ҳиссасини аниқлаш масалалари ташкил этди.

Тадбирда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиб, бу борада кўплаб ўз аъзолари ва «учинчи сектор» вакиллари саъй-ҳаракатларини бирлаштиргани қайд этилди.

Масалан, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси 2012 йилнинг май-сентябрь ойлари мобайнида Фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг техник кўмагида Оролбўйи ҳудудида йигирма маърифий тадбир ўтказди. Мазкур тадбирларда Қорақалпоғистон Республикасининг 10 туманидаги маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, қишлоқ врачлик пунктларининг 400 нафардан ортиқ вакиллари қатнашди.

Айни пайтда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бу борадаги ишларни давом эттириб, давлат ижтимоий буюртмаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молияланаётган навбатдаги лойиҳани ниҳоясига етказмоқда. Лойиҳада ёш оилалар учун имтиёз ва преференциялар бериш, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш ва ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга ошириш доирасида оила институтини янада ривожлантириш жараёнида юзага келадиган муаммолар комплекс равишда таҳлил қилинди, давра суҳбатлари, семинарлар, ўқув-тренинглари шаклида ташкил этилган 55 тадбирда 2,5 минг киши, нодавлат нотижорат ташкилотларининг 380 нафардан ортиқ вакили иштирок этди, оилалар фаровонлиги ҳамда тинчлигини мустаҳкамлаш масалаларига ихтисослашган 60 нафар мураббий тайёрланди.

Конференцияда нодавлат нотижорат ташкилотларининг мавжуд салоҳияти, тўплаган билим ва кўникмаларидан самарали фойдаланган ҳолда, оила институтини янада мустаҳкамлашга қаратилган истиқбол режалари белгиланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**М.МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

***Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизга ташриф буюрган АҚШ Давлат котибининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ёрдамчиси Майкл Хаммер билан учрашув бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб соҳаларда изчил тараққий этмоқда, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация қоидаларига мувофиқ конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш тамойиллари асосида ривожланмоқда.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди. Томонлар икки мамлакат манфаатларига дахлдор бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Майкл Хаммер юртимизга ташрифи доирасида бир қатор илмий- тадқиқот ҳамда олий таълим муассасаларида ҳам учрашувлар ўтказди.

**(ЎзА)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Ўзавтотеххизмат» корхонасида оммавий маданият унсурларининг жамият тарбиясига таъсири мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Зарафшон» концерт залида «Сенга содиқ фарзандмиз, Ватан!» мавзуида концерт дастури уюштирилди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги ҳарбий телекоммуникация йўналишидаги академик лицейда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Учтепа туманида жойлашган 22-оилавий поликлиникада «Аҳоли саломатлиги муҳофазада» деб номланган тадбир ташкил этилади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Андижон вилоятида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Саломатлик байрами» ўтказилди. Алишер Навоий номидаги Андижон шаҳар маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган асосий тадбирларда вилоят тиббиёт тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасалари, Андижон давлат тиббиёт институти ҳамда клиникаси мутахассислари, хусусий тиббиёт муассасалари вакиллари аҳолини кўрикдан ўтказиб, зарур тиббий маслаҳатлар бердилар.**

**● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида инфаркт ва инсульт хасталикларини камайтиришдаги энг самарали ёндашувларга бағишланган анжуман «Қон босимингизни назорат қилинг, юрак-қон томир касалликларини камайтиринг» шиори остида ташкил этилди.**

**● Бекобод шаҳрида замонавий диагностика маркази биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу иншоот «Ўзметкомбинат» ОАЖнинг уч миллиард сўмлик маблағи ҳисобига бунёд этилди. Мажмуадан компьютер томографияси билан бирга эндоскопия ва ультратовуш ташхислари хонаси, янги лаборатория ҳамда дорихона ўрин олган. Марказда 15 нафар малакали тиббиёт ходими учун янги иш ўрни яратилди.**

**● Бухоро туманидаги «Дилкушо қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида компьютерлар воситасида бошқариладиган замонавий технология асосида қурилиш бўёқлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Охирги ҳисоб-китобларга кўра, ўтган йилнинг сўнгги чораги АҚШ банклари учун кейинги олти йил ичида энг муваффақиятли даврлардан бири бўлди. Экспертларнинг маълумотларига қараганда, Шимолий Американинг молиявий муассасалари шу вақт давомида 34,7 миллиард АҚШ доллари миқдорида фойда олганлар. 2012 йил давомида эса АҚШ банкларининг барча фойдалари 20 фоизга ошиб, 141 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.**

**● Венесуэлада навбатдан ташқари президент сайловлари 14 апрелда бўлиб ўтади. Давлат раҳбари вазифасига бошқарувчи партиядан Николас Мадуро ва мухолифатдан номзод сифатида Энрико Каприлес даъвогарлик қилмоқда.**

**● Судан президенти илк бор расмий ташриф билан Жанубий Суданга борадиган бўлди. Ўз ташрифи давомида Судан давлати раҳбари Башир Жанубий Судан президенти Сальва Киир билан ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади. Шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда Хартум ва Жуба ўртасидаги муносабатлар сезиларли даражада яхшиланди.**

# ЎЗБЕКИСТОН – ҲИНДИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ МАВЗУСИ «THE SUNDAY INDIAN» САҲИФАСИДА

***Яқинда Ҳиндистонда нашр этиладиган «The Sunday Indian» журнали саҳифасида «Ўзбекистон – Ҳиндистон ҳамкорлиги» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда ўзаро дўст мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама алоқаларнинг ҳозирги ҳолати ва унинг истиқболлари мавзуси қаламга олинган.***

«Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқлари дўстона алоқаларининг тарихи ўз илдизлари билан узоқ ўтмишга бориб тақалади, деб ёзади журнал. Улар ҳамиша алоҳида иликлик, бир-бирига нисбатан самимий ҳурмат ва ўзаро қизиқиш билан ажралиб турган. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида деярли барча соҳалардаги муносабатларни ривожлантириш имконини берадиган салмоқли шартномавий-ҳуқуқий замин мавжуд. Турли даражалардаги мунтазам ташрифлар, учрашув ҳамда ўзаро фикр алмашувлар механизми самарали амал қилмоқдаки, бундай тадбирлар чоғида ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилиниши баробарида шерикликнинг янги йўналишлари белгилаб олинмоқда. Шу билан бирга минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан томонлар саъй-ҳаракатларининг мувофиқлигини ҳам қайд этиш зарурки, Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг бу борадаги нуқтаи назарлари ўхшаш ёки бир-бирига мосдир».

Мазкур ахборот-таҳлил нашрининг қайд этишича, Жанубий ва Ўрта Осиёда тинчлик ҳамда барқарорликнинг сақланишидан ҳар икки мамлакат манфаатдор. Бу икки минтақа савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эгадир.

Ўзбекистон – Ҳиндистон мулоқотининг ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари ҳақида ёзар экан, нашр ўзаро ҳурмат ва томонларнинг манфаатлари ҳисобга олиниши асосида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда ўта муҳим масалалар юзасидан биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг кенг қамровли дастури шаклланишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йил май ойида Деҳлига буюрган давлат ташрифи муҳим босқич бўлганини таъкидлайди. Ташриф якунлари бўйича ёқилғи-энергетика, ахборот-телекоммуникация, банк жабҳаси, кимё, фармацевтика, енгил саноат ҳамда савдо соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

«Ўзбекистон ва Ҳиндистон иқтисодиёт, савдо-сотиқ, маданий ва бошқа соҳаларда кўп қиррали ҳамкорлик учун улкан салоҳиятга эга, салмоқли шартномавий-ҳуқуқий базанинг мавжудлиги эса узоқ муддатли асосдаги стратегик шериклик билан ифодаланадиган барча йўналишлардаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади», деб ёзади «The Sunday Indian» журнали.

**«Жаҳон»**
**Деҳли**




# ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ АНЖОМЛАРИ ВА ДОРИ-ДАРМОНЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Тадбирнинг ажралмас қисми бўлган илмий дастур доирасида иккита йирик анжуман ўтказилмоқда. Хусусан, «Стоматология — Stomatology Uzbekistan» 2013» ҳамда тўққизинчи халқаро илмий-амалий конференцияда стоматологик касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш борасидаги долзарб масалалар кўриб чиқилади.

Биринчи марта ташкил қилинаётган «Онкологияда радиотерапия» Халқаро анжуманида ҳам дунё мамлакатларининг етакчи онколог шифокорлари иштирок этмоқда. Улар рак касаллигини аниқлаш, даволашда, унинг олдини олиш борасидаги ишланмалари билан етук мутахассислар доирасида ўртоқлашадилар.

— Кўргазманинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, — тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишларни янада ривожлантириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, дунё мамлакатлари шифокорлари билан жонли мулоқотлар ўтказиш ва тажриба алмашишдан иборат. Ушбу кўргазма инсон саломатлигини яхшилаш йўлида инновацион ишланмалар, тиббий техника ва ускуналар, дори воситаларидан кенг фойдаланиш ва уларни юртимизга олиб келиш учун кенг имкониятлар яратади. Булар замирида эса инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларни тез, сифатли ва самарали даволаш кўзда тутилмоқда.

Айни пайтда юртимизда «Саломатлик — 3» лойиҳаси амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. «Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ҳафталиги»нинг ўтказилаётгани албатта бунда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу жараёнда ташкил этилаётган кўргазмалар юртимизда тиббий ислоҳотларни амалга оширишда, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кўламини кенгайтиришда ўзига хос омил бўлмоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**
**Ислом Исмоилов олган суратлар**

Анжуманлар

# ЖУРНАЛИСТИКАДА ИХТИСОСЛАШУВ

***Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари ҳамда Ўзбекистон Миллий университетлари томонидан олийгоҳлар раҳбариятлари, журналистика, халқаро журналистика факультетларининг деканлари, профессор-ўқитувчилар, соҳа мутахассислари, журналистлар, ОАВ вакиллари ва талабалар иштирокида «Масс-медия ривожланиши ва журналистларнинг ихтисослашуви» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.***

Анжуманда ҳар икки университет жамоасининг журналист ва халқаро журналистларнинг ихтисослашуви масалалари бўйича амалга ошираётган ишлари ҳамда ушбу йўналишда мавжуд муаммоларни бартараф этишдаги иштирокини таъминлаш хусусида фикрлар билдирилди.

— Жамиятнинг барча жабҳаларида фаолият юритиб, соҳа тараққиётидаги энг сўнгги янгиланишларни ва долзарб муаммоларни ОАВ орқали тезкор ва холисона ёритишда журналист кадрларнинг ўз касбига доир билим ва тажрибаларидан ташқари, муайян соҳада ҳам чуқур билимга эга бўлиш талаб этилади, — деди ЎзДЖТУ ректори Абдулла Исмаилов. — Бунда журналистика самарадорлигининг омили бўлмиш ихтисослашув масаласи муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, бу борада иккала факультетларда ҳам такомиллашган чора-тадбирлар режалаштирилганлиги, етук мутахассис кадрларни тайёрлаш концепцияси ишлаб чиқилганлиги, қолаверса, мавжуд муаммолар юзасидан тадқиқот мавзулари базаси яратилгани ҳамда бир қатор талабалар мазкур мавзулар бўйича илмий изланишлар олиб бораётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир сўнгида журналистлар ва талаба-ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркор ва хорижий инвесторлар фаолиятининг эркинлигини таъминлашга қаратилган зарур норматив-ҳуқуқий база тўлиқ яратилган деб ишонч билан айтишимиз мумкин.***

Айниқса, 2011 йил мамлакатимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» ва 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилингани юртимизда тадбиркорлик соҳасининг, шу жумладан оилавий тадбиркорликнинг янада ривож топишига кенг йўл очиб берди.

Шу йилларда Президентимиз томонидан «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларнинг қабул қилинганлиги мамлакатимизда бизнесни юритиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни умумқабул қилинган халқаро меъёр ва стандартларга етказишда муҳим аҳамият касб этди, дейишимиз мумкин.

Бундан ташқари, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлар доирасини янада кенгайтирди.

Мазкур қонунлар орқали барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ва мулкдорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи жорий қилинди.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларида «бир дарча» тамойили мустаҳкамланди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда ушбу субъектларнинг фаолиятини ва (ёки) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларида пул маблағлари бор-йўқлиги ҳақида ахборот талаб қилганлик учун айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи белгиланди.

Бундан ташқари, қонунчиликни такомиллаштиришда жиноят кодексининг тадбиркорлик фаолиятига доир жавобгарликни белгиловчи нормаларини либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахсга нисбатан унинг ходими томонидан содир этилган иқтисодиёт соҳасидаги айрим жиноий ишларнинг фақат мазкур юридик шахс раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра қўзғатилиши белгиланди.

Бундан ташқари, Жиноят кодексида жиноий жазолар бўйича иқтисодий зарар даражаси ва миқдори мезонлари халқаро амалиётга мувофиқлаштирилиб, уларнинг миқдорлари оширилди: анча миқдор ва анча миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг 100 дан 300 бараваригача, кўп миқдор ва кўп миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг 300 дан 500 бараваригача, жуда кўп миқдор ва жуда кўп миқдордаги зарар энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваридан ҳисобланиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари учун қулай ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига риоя этилишини назорат қилиш Адлия вазирлигининг асосий фаолият йўналишларидан биридир.

Адлия органлари ўз ваколатлари доирасида ушбу фаолиятни қуйидаги иккита асосий йўналишларда олиб бормоқда: 1) тадбиркорликка оид қонунчилик талабларига давлат органлари томонидан риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳамда тадбиркорлар ва хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бевосита ҳимоя қилиш; 2) тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвесторларни қўллаб-қувватлашга оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришда қатнашиш.

Ушбу йўналишда фақатгина 2012 йилда адлия органлари томонидан тадбиркорликка, шунингдек, хорижий инвестицияларга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда 1 647 та, назорат идоралари томонидан текшириш тартибларини бузишда 484 та, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда 430 та, маъмурий жавобгарликка тортишда 357 та, лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда 315 та ҳамда тадбиркорлик субъектларидан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиб олиш борасида 102 та қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Аниқланган қонунбузилишлар ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 105 та тақдимнома, 137 та огоҳнома ва кўрсатмалар киритилиб, натижада 135 нафар айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарликка тортилиши таъминланди. Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат бошқаруви органларининг 147 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди.

Тадбиркорлар ва хорижий инвестициялар иштирокида корхоналарнинг манфаатини кўзлаб судларга жами 11,6 млрд. сўмлик 304 та даъво аризалари киритилди.

Масалан, «Komilaxon Pishiriqlary» оилавий корхонасига қарашли бинони «Мирзо Улуғбек тумангаз» фойдаланиш хизмати ходимлари томонидан газга уланишда асоссиз равишда рад жавоби берилаётганлиги аниқланди. Бошқарма томонидан тумангаз фойдаланиш хизмати бошлиғи номига кўрсатма хати киритилиб, унга кўра «Komilaxon Pishiriqlary» оилавий корхонасига тегишли объект табиий газ тармоғига уланди.

Шунингдек, «М.Улуғбек тумангаз» фойдаланиш хизмати бош муҳандисига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судига кўриб чиқиш учун юборилди. Суднинг қарорига кўра ҳуқуқбузар маъмурий жаримага тортилди.

**Отабек АЗИМОВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи**

2013 йил – Обод турмуш йили

# МАҲАЛЛА ОБОД – КЎНГИЛ ОБОД

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Турмушимизни обод қилишнинг муҳим шарти – аввало маҳаллани обод қилишдир, деган ҳаракат бутун халқимиз орасида тобора кенг ёйилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир оила, маҳалла аҳли, кенг жамоатчилик фаол иштирок этаётир. Юртимизда кўклам шукуҳи кезиб юрган шу кунларда қайси маҳаллага борманг, ҳудудларни тозалаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, янги боғлар яратиш ишларининг устидан чиқасиз.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Наққошлик» маҳалласида тўрт мингдан зиёд аҳоли, ўндан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ истиқомат қилади. Маҳаллада ҳар шанба ва якшанба кунлари ҳашар ўтказиш анъанага айланган. Тозалик ишларини амалга оширишда маҳалла, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, «Махсустранс» корхонасининг туман бўлими ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

– Мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигида маҳалламиз аҳли ҳам фаол иштирок этмоқда, – дейди «Наққошлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элмира Хўжаева. – Аҳоли, жумладан, ёшларимиз иштирокида ўтаётган ҳашарлар давомида бўш жойларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ҳомийлар кўмагида иккита янги болалар майдончасини барпо этмоқдамиз.

Бундан уч йил аввал фойдаланишга топширилган икки қаватли замонавий маҳалла гузарида аҳоли учун кўплаб қулайликлар яратилган. Спорт-соғломлаштириш тўгараклари, пайнет, компьютер хоналари аҳоли хизматида. Маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти ҳам шу ерда жойлашган.

Аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қисмини ҳимоялаш маҳалла фаолиятида устувор аҳамият касб этади. Маҳаллада бу йўналишда фаолият юритувчи махсус жамоатчилик комиссияси аъзолари ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиб боради. Боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар, меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар ҳолидан мунтазам хабар олинади.

– Шунга гувоҳ бўлдимки, айнан маҳалла тузилмаси орқали ҳар бир хонадонга чуқур кириб бориш, ҳар бир инсоннинг қалбига йўл топиш мумкин экан, – дейди ЎзА мухбирига «Наққошлик» маҳалласи фаоли, «Дўстлик» ордени соҳибаси Тамара Бочкарева. – Шу боис, фуқаролик жамиятининг бу ноёб институти ва уни ривожлантириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ишлар бутун дунё аҳлининг ҳавас ва ҳайратини уйғотмоқда.

**Баҳор ХИДИРОВА**

# ИТАЛИЯЛИК КИНОИЖОДКОРЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА

***Италиянинг «AQ International» компанияси президенти Сальваторе Качёла раҳбарлигидаги киноижодкорлар Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда «Ўзбекистон: цивилизациялар чорраҳасида» ҳамда «Кўзингни оч» мавзуидаги ҳужжатли илмий-оммабоп фильмларини суратга олишга киришди.***

Италиянинг «AQ International» компанияси ва «RAI» телекомпанияси Ўзбекистон ҳақида ҳужжатли фильмлар суратга олишга бел боғлагани мамлакатларимизнинг маданият ва санъат йўналишидаги ўзаро алоқалари фаол ривожланиб бораётганидан далолатдир.

«Ўзбекистон: цивилизациялар чорраҳасида» фильми Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз каби қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарларимизда суратга олинади. Фильм ижодкорлари ўз асарида Буюк Ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ва унинг кўҳна шаҳарлари, халқимизнинг бой маданий мероси, маданий ёдгорликлари, осори-атиқалари ҳақида ҳикоя қилишни мақсад қилганлар.

«Кўзингни оч» ҳужжатли фильмининг ғояси Орол денгизи фожиасининг атроф-муҳитга зарарли таъсирига бағишланади, одамларни ҳушёрликка чорлайди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Будапештда Марказий ва Шарқий Европа минтақасининг йирик сайёҳлик тадбирларидан бири — «Utazas–Tourism Exhibition» халқаро туризм кўргазмаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбир маҳаллий ва халқаро сайёҳлик компанияларини, Европада фаолият кўрсатадиган кўплаб меҳмонхона ва авиакомпанияларнинг вакилларини ўз атрофига тўплади.***

# ВЕНГРИЯДА ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон Республикасининг Венадаги дипломатия ваколатхонаси кўмагида ташкил этилган мамлакатимиз миллий бўлмаси «Utazas–Tourism Exhibition» иштирокчиларини ҳамда унинг кўп сонли меҳмонларини нафақат юртимизнинг қадимги бой тарихи билан, балки ноёб ва бетакрор халқ амалий санъати билан ҳам яқиндан ошно қилди. Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик имкониятлари ҳақидаги ҳужжатли фильмлар намойиши эса тақдимот мазмундорлигини янада оширди.

Тадбир доирасида Европа вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги кенг имкониятлари ҳамда асосий диққатга сазовор жойлари билан атрофлича танишишганлари баробарида Ўзбекистон заминида қарор топган Самарқанд, Бухоро, Хива сингари кўҳна шаҳарларга уюштириладиган оммабоп саёҳатлар ҳақидаги янги маълумотларга ҳам эга бўлдилар.

Халқаро кўргазма якунида Ўзбекистон ва Венгрия сайёҳлик компаниялари ўртасида ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан келишувларга эришилди.

Жумладан, бир неча йилдан буён Ўзбекистон бўйлаб саёҳатларни ташкил этиб келаётган «1000 ut» компанияси 2013 йил учун юртимизнинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳат дастурларини ишлаб чиққанини маълум қилди. **Мазкур компания директори Олег Эрмилов** Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган бетакрор сайёҳлик инфратузилмасига юқори баҳо берар экан, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ушбу соҳа тараққиётига улкан эътибор қаратилаётганлигини алоҳида қайд этди.

Венгрияда фаолият кўрсатадиган «Hungarian Tourism Plc.» миллий сайёҳлик ташкилоти билан олиб борилган музокаралар натижасида ушбу компаниянинг вакиллари жорий йили Тошкентда бўлиб ўтадиган Халқаро сайёҳлик ярмаркасида ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этишлари юзасидан битим имзоланди. **«Hungarian Tourism Plc.» компаниясининг вакили Андреа Сзегеди** тарихан қисқа муддат мобайнида сайёҳлик жабҳасини юксалтириш, соҳанинг янгидан-янги турларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш бўйича салмоқли муваффақиятларга эришаётган Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан мамнун эканлигини таъкидлади.

**Венгрия сайёҳлик агентликлари уюшмасининг президенти Габриэлла Молнар** Ўзбекистонда сайёҳлик индустрияси муваффақият билан ривож топаётганини эътироф этгани ҳолда хорижий сайёҳлик компаниялари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини юртимизнинг бой сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан таништириш йўлида ҳаётга татбиқ этаётган «мега-инфо-тур» лойиҳасини юқори баҳолади.

**«MSE Tours» компаниясининг директори Юлия Рети** ҳозирги вақтда Ўзбекистонга борадиган венгриялик сайёҳлар учун бир-биридан қизиқарли ва завқ-шавққа тўла дастурлар ишлаб чиқилаётганини, шунингдек, ўлкамизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмни суратга олиш бўйича иш олиб борилаётганини ҳам маълум қилди.

– Ўзбекистонга саёҳат уюштирган венгрияликларда юртингизнинг ранг-баранг маданияти, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган урф-одат ва анъаналари, халқингизнинг самимияти, очиққўнгиллиги ва меҳмондўстлиги алоҳида таассурот қолдиради, – деди у. – Ўлкангизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ҳам сайёҳларни ўзига жалб қиладиган муҳим омиллардан бири саналади.

**«Жаҳон»АА**
**Будапешт**



*Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий савиясини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан этиб белгиланган. Президентимиз Фармони билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофотининг жорий этилиши ҳам, мамлакатимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган имкониятларнинг бир кўринишидир.*

**Совриндорларимиз**

# ЮКСАК МУКОФОТ НУФУЗИ

Ушбу мукофот жуда кўплаб истеъдодли қизларимизни кашф қилиб, уларни янада изланишга, улкан ютуқларни қўлга киритишга чорламоқдалар.

Яқинда «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Республика босқичида маданият йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган Робия Рўзиева, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

— Мен шундай буюк юртнинг фарзанди эканлигимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги давлат мукофотининг соҳибаси Тошкент Молия институти қошидаги 2-сонли академик лицей ўқувчиси Робия Рўзиева. — Ўзбекистондай жаннатмонанд мамлакатда туғилиб вояга етаётганимга шукурлар қиламан. Бизга шундай улкан имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Зулфияхоним издошлари сафидан ўрин олган эканман, ушбу нуфузли мукофотнинг ҳақиқий эгаси бўлиб қолишга ва бундан кейин ҳам ватанимиз юксалишига ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, эндигина ўн олти баҳорни қаршилаган Робиянинг қувончлари чексиз, бахтиёрлигининг чегараси йўқ. Ахир Зулфия номидаги давлат мукофотининг соҳибаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун тинмай изланиш, ўқиш, ўрганиш керак бўлади.

Робия Рўзиева 1997 йилда Тошкент шаҳрида туғилиб камолга етди. 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига қарашли «VAFOSTAR» ёшлар ижодий марказининг «Ёш телерадио бошловчиси ҳамда ёш журналист» курсини тамомлаб, сертификат олди.

2011 йил 10 июнда «Бунёдкор» ёшлар телеклуби томонидан «Телеклубнинг энг қувноқ аъзоси» номинацияси ва роликлар, лавҳалар тайёрлашдаги фаол иштироки учун диплом билан тақдирланган.

2011 йил «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» муносабати билан «Бунёдкор» ёшлар телеклуби томонидан ўтказилган «Муаммолар ва уларнинг ечими ёш журналистлар нигоҳида» анжумани доирасида ташкил этилган ўқув-семинар тренингда сертификат билан мукофотланди.

Дарҳақиқат, миллатнинг улуғлиги, жамиятнинг юксалиши ва маънавий баркамоллиги хотин-қизларга бўлган муносабатда ўз аксини топмоқда. Робия сингари ватанимиз шарафини юксакларга кўтараётган қизларимизнинг сафи йилдан йилга ортиб бориши эса давлатимиз томонидан хотин-қизларга яратилаётган имкониятларнинг ижобий самарасидир.

**Гулчеҳра САТТОРОВА**

**СУРАТДА: Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Робия Рўзиева**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

**Тадбирлар**

# КИТОБГА ОШНО ҚАЛБЛАР

***Кўнгилни ақл, ақлни китоб бошқаради. Дунёда инсон учун шундай садоқатли дўст борки, у ҳеч қачон сизни ташлаб кетмайди.***



Бизга тўғри йўл кўрсатувчи, ҳаётда ўз ўрнимизни топишда кўмаклашувчи бу — китобдир. Чиндан ҳам китобга ошно қалбдан ҳеч қачон ёмонлик кутмайсиз. Билимларимизни янада бойитишда ёрдам берувчи китобнинг ўрни ҳаётимизда беқиёсдир.

Куни кеча Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактабида ўқувчиларда китобга бўлган қизиқишни кучайтириш мақсадида «Китоб марафони» ўтказилди. Тадбирда журналист С. Фахриддинова, шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар ва журналистлар уюшмаси аъзоси И. Раҳмон, «Синфдош» журнали ижодий ходимлари, туман халқ таълими методик фаолиятини мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бўлими услубчилари М. Усмонова ва У. Содиқова, «Қадрият давраси» раиси муовини Г. Каримова иштирок этдилар.

Қизиқарли тарзда ўтган тадбирда меҳмонлар ўз ижод намуналаридан ўқиб, викторинада фаол иштирок этган ўқувчиларга ўз китобларидан совға қилди. Ўйлаймизки, бундай учрашувлар ўқувчиларни китобларга бўлган қизиқишини янада кучайтиради.

Тадбир сўнгида ҳомийлар, ота-оналар ва мактаб ўқитувчилари томонидан кутубхонага китоблар совға қилинди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

**2013 йил — Обод турмуш йили**

# АЁЛ ЭЪЗОЗ ТОПСА, ТУРМУШ ОБОДДИР

***Мамлакатимизнинг оналик ва болаликни, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ҳуқуқ-манфаатларини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги тажрибаси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда. Бу борадаги ишлар кўлами Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда.***

«Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ оилаларни янада мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий фаоллиги ва бандлигини ошириш, уларга уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича қатор лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда. Тошкент давлат юридик институтида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбир ҳам ушбу масала – турмушимизни янада обод қилишда аёлларнинг ўрнини мустаҳкамлашга бағишланди.

Тошкент давлат юридик институти ректори О.Муҳаммаджонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати З.Ботирова, Бош прокуратура бўлим бошлиғи М.Қурбонова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган «Обод турмуш йили» Давлат дастурида хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилгани мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада кучайтиришнинг муҳим омили эканини таъкидлади.

Анжуманда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ёшлар тарбиясидаги ролини кучайтириш, обод турмушни барпо этишда аёллар ҳуқуқ-манфаатларини таъминлашнинг аҳамиятига оид маърузалар тингланди, ўзаро фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Зангиота тумани СИБ томонидан 10.12.2012 й. № 11-1231/14622 - сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўзбекистон кўчаси, 24-уй. Бошланғич баҳоси 130 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 13 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулк 2013 йил 13 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 28 май куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 3049 3605 0001, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12. Лицензия: RR-0052

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11/26-6992/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч. «Ваз 21061», д/р. 10 W 594 CA. Бошланғич баҳоси – 4 615 090 сўм. Зангиота тумани СИБда сақланмоқда. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 09.10.2012 й. № 9209 - сонли ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и/ч. «Газ31029», д/р. 01 Z 6117. Бошланғич баҳоси – 3 080 083 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 03.01.2013 й. № 1-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч. «Даймлербенц 0303», д/р. 20 P 4444. Бошланғич баҳоси – 65 118 991 сўм. Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 29 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 4. Зангиота тумани СИБ томонидан № 14125-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. «Матиз», д/р. 01 O 398 DA. Бошланғич баҳоси – 14 071 000 сўм. Зангиота тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланмоқда. 5. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 1201-сонли ижро ҳужжатига асосан 1993 й. и/ч. «Peugeot», д/р. 10 K 583 EA. Бошланғич баҳоси – 5 017 100 сўм. 6. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 1202-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч. «Ваз 21063», д/р. 11 F 1102. Бошланғич баҳоси – 2 907 835 сўм. 7. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 1163-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч. «Ваз 21011», д/р. 10 H 659 BA. Бошланғич баҳоси – 3 049 760 сўм. Чирчиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 13 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 13 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 28 май куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 0048 8730 5001, МФО: 00425, ИНН: 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

***Пойтахтимиздаги ЎзЭКСПО марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги IX пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши аъзолари, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши тафтиш комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партиянинг туманлар ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари раислари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.***

# МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Пленумда партиянинг барча ташкилотлари ва депутатлик гуруҳининг бандлик ва иш ўринларини ташкил этиш, ҳудудий дастурлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини олиб боришдаги иштирокини янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, жорий йилда ҳам мустақил фаолиятини йўлга қўйишга интилаётган партия электорати вакилларини аниқлаш бўйича ишлар давом эттирилиб, мазкур масалаларда мурожаат этувчиларга ЎзХДП томонидан ташкил этилган лойиҳалар, бошқа амалий тадбирлар, шу жумладан, Жамоатчилик қабулхоналари орқали ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари имкониятларидан тўлароқ фойдаланган ҳолда, партиянинг ижтимоий ҳамкорлари — меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Коллеждан — корхонага» мақсадли амалий тадбирларни ўтказиш асосий вазифалардан бири этиб белгиланди.

Фуқароларнинг самарали меҳнат билан бандлигини таъминлаш Обод турмуш йилида устувор бўлган кўплаб ижтимоий вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади. Бу эса, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Пленум иштирокчилари, уларнинг ўтган йилдаги фаоллиги сезиларли равишда ошганлигини таъкидлаб, туман кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳи фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилдилар. Шунингдек, кейинги даврларда электорат манфаатларига жавоб берадиган амалий натижаларга эришишга қаратилган фаолиятни янада ривожлантириш борасида долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Пленум 2013 йилда амалга ошириладиган вазифалардан келиб чиқиб, 2011-2014 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракат Дастурига бир қатор аниқликлар киритиб, уни тасдиқлади. Шунингдек, пленум ишида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи фаолияти якунлари тўғрисидаги ахборотлар муҳокама этилди ва маълумот учун қабул қилинди. Шунингдек, партиянинг 2012 йилда бюджет ижроси ҳақидаги ҳисоботи ва Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгашининг 2013 йилга мўлжалланган бюджети кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

